

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Уй жой-коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги ўринбосари

Т.Хайдаров

«12» сентябрь 2019й.

Хоразм вилояти Янгиариқ туманида ичимлик суви таъминоти сифатини яхшилаш бўйича
«CITY BUILDING SALES» МЧЖ нинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси

КОНЦЕПЦИЯСИ

Лойиҳанинг тавсифи

A. Лойиҳа номи(тўлиқ номи):

Янгиариқ тумани ҳудудидаги мавжуд ичимлик суви қувурлари, сув тарқатиш иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда чекка ҳудудларга янгидан ичимлик суви қувурларини қуриш, ичимлик суви таъминоти қамровини кенгайтириш.

B. Лойиҳанинг қисқартирилган номи:

Янгиариқ тумани ичимлик суви таъминоти сифатини яхшилаш бўйича лойиҳа

C. Сектор:

Ичимлик суви таъминоти

D. Лойиҳа тип

Янгиариқ тумани ҳудудидаги мавжуд ичимлик суви қувурлари, сув тарқатиш иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда чекка ҳудудларга янгидан ичимлик суви қувурларини қуриш, ичимлик суви таъминоти қамровини кенгайтириш ҳамда ичимлик суви сифатини тубдан яхшилаш.

E. Давлат шериги:

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

F. Лойиҳа жойлашган жойи (дастлабки):

Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани ҳудуди

DBFORMT – лойиҳалаштириш, қуриш, молиялаштириш, эксплуатация қилиш, реконструкция қилиш, техник хизмат кўрсатиш, ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқларини давлат шеригига ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш органига ўтказиш.

ДХШ лойиҳаси асоси

1.

Лойиҳа асоси, шунингдек лойиҳа яқуний натижалари, бенефициарлар сони, хизматлар қамрови ва сифатини кўрсатилган ҳолда:

Сув таъминоти объектларидан фойдаланиш соҳасида Хоразм вилояти Янгиариқ туманида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш доирасида кўзда тутилган 10 йил учун илк беш йил мобайнида 9 млрд 430 млн сўм “City Building Sales” МЧЖ маблағлари ҳисобидан туман ҳудудидаги барча истеъмолчиларни ҳамда ичимлик сув тармоқларини қайта хатловдан ўтказиш, шу билан бирга ичимлик сув қувурига уланмаган аҳоли пунктлари ва хонадонларни ичимлик сув қувурига улаш, туман ҳудудига ва МФЙ ҳудудларига кирувчи ичимлик сув қувурларига сув ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда 30 км ортик янги ичимлик сув ва канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши натижасида 16 970дан зиёд хонадонларида яшовчи 84 851 нафар аҳоли Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминланади ва туман аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 29% дан 77% га етказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари ҳозирги кунда сув тарқатиш иншоотлардаги кўп энергия сарфловчи ва эскирган барча носоз ҳамда техник, жисмоний ва маънан эскирган ускуна ва жиҳозларни, қувурларни, насос агрегатларини тўлиқ алмаштириш, юзага келадиган аварияларни тезкор равишда ва қисқа муддатда тўлиқ бартараф қилиш учун зарур техника ва асбоб-ускуналар, қувурлар, махсус техника ва бошқа анжом ва жиҳозлар захирасини яратиш, янги ва замонавийларини сотиб олиш ва ўрнатиш натижасида моддий техника базасини ривожлантириш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.

Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган корхонанинг фаолият даврида харажатлар кесими (улушда %)

№	Кўрсаткич номи	Жами харажатлардаги улуши
1	Электрэнергияси	22%
2	Иш ҳақи	33%
3	Капитал таъмирлаш харажатлари	13%
4	Эксплуатация тармоғи	14%
5	Ёнилғи ва материаллар	3%
6	Амортизация	5%
7	Инновацияга харажатлар	10%
	ЖАМИ:	100%

2.

Таклиф этилаётган лойиҳа :

(Илтимос, кераклигини танланг)

i) Қарор билан тасдиқланганми: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (ПҚ-4040 сонли 30.11.2018 йил)

ii) Муддат: Лойиҳа 10 йил муддатга мўлжалланган.

iii) Ижтимоий ва инфратузулмaviй масалаларни ҳал этадими?

15 ишчи ўрни яратилади, янги ичимлик сув ва канализация тармоқлари барпо этилади ва мавжудлари капитал реконструкция қилинади, замонавий биллинг тизимида самарали ишлаш ва барча абонентларни тизимга улаш чоралари кўрилади.

iv) Кўрсатилаётган хизматлар сифати ошириладими?

Лойиҳа қамраб олинган ҳудудларда ичимлик суви тармоқлари тўлиқ реконструкция қилинади, эскирган қувурлар янги ва замонавий қувурларга алмаштирилади. Замонавий сув ўлчагич приборлари ўрнатилади ва биллинг тизими жорий этилади.

v) ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ва лойиҳага ҳиссаси асосан хусусий шериги томонидан амалга ошириладими?

Лойиҳа қиймати 9 млрд.430 млн сўмни ташкил этиб, шундан инвестиция хусусий шерик томонидан 9 млрд.430 млн. сўм ўз маблағлари эвазига киритилади.

Давлат ва хусусий шериклар орасида хавф-хатарлар, мажбуриятлар ва маъсулиятлар аниқ тақсимланганми, бунда асосий хавф-хатарни хусусий шерик ўз зиммасига оладими.

Давлат хусусий шериклик асосида тузиладиган шартномада, хусусий шерикнинг амалдаги қонунчиликка асосан барча мажбуриятларга амал қилади.

3.	Лойиха давлат шериги жавобгарлик соҳасига кирадими? Лойиха давлат шериги жавобгарлик соҳасига киреди
4.	Хусусий шерик томонидан ўхшаш давлат хизматлар олдин кўрсатилганми? Йўқ (катнашмаган)
5.	Хусусий шерик томонидан хизматларни кўрсатиш ва ҳақларни ундириш учун янги қонулар ёки ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни (қонуларга ёки ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга ўзгартиришларни) қабул қилиш керакми? Амалдаги қонуночиликка асосан фаолият амалга оширилади, хусусий шерик томонидан фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ички (локал) ҳужжатлар қабул қилинади.

Кутилаётган инвестициялар ҳажми

6.	Тахминий жами капитал харажатлар: 9 млрд 430 млн сўм
	i) Кутилаётган контракт амал қилиш муддати: 10 йил ii) Лойиханинг тахмин қилинган иқтисодий муддати: 10 йил.

Мавжудлиги

7.	i) Илтимос, лойиханинг даромад манбаини келтиринг (белги қўйинг): <u>Фойдаланганлик учун тўлов</u>
	ii) Илтимос, агар «Фойдаланганлик учун тўлов» белгиланган бўлсангиз, қуйидагиларни тўлдиринг: <i>Фойдаланганлик учун тўлов учун тўланадиган тахминан ўртача харажатлар:</i> <i>Фойдаланувчиларнинг кутилаётган ўртача сони: 118347 аҳоли (амалда 84851 та аҳоли сонини хизматлар сифатини ошириш ҳисобига ошириш)</i>
	iii) Илтимос, агар «Давлат шериги» белгиланган бўлсангиз, қуйидагиларни тўлдиринг: a) Давлат шериги даромад йиғишга ваколати борми? Йўқ b) Давлат шеригида ушбу хизматларни кўрсатиш учун бюджет мавжудми? Йўқ

Бозор қизиқиши

8.	ДХШ модели доирасида бошқа жойларда амалга оширилаётган ўхшаш лойиха тўғрисида маълумотингиз борми? ДХШ модели доирасида Козогистон давлатида амалга оширилаётган ўхшаш лойиха тўғрисида маълумот бор.
9.	Илтимос, ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эга бўлгунгача маҳаллий ва чет эл хусусий компаниялар номлари ва лойиҳалар номларини кўрсатинг. «CorporateSolution» (Великобритания) сув таъминоти бўйича Козогистондаги хусусий шериги;
10.	Битимда қўзда тутилган хизматларни давлат шериги томонидан олдин кўрсатилганми? Кўрсатилган.

Харид шакли

11.	Хусусий ташаббус (Ўзбекистон Республикасининг Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги қонунининг 17-моддасига мувофиқ)
-----	--

12.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хавф-хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни кўрсатинг:				
	Хавф - хатар категорияси	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Таклиф этилаётган ўзгаришлар <i>(Лойиҳа хусусий ва давлат шериги ўртасидаги бошқа хавф-хатарлар бўлишини тахмин этаётган бўлса, изоҳ келтиришингизни сўраймиз)</i>
	Якуний натижани аниқлаш	•			
	Лойиҳага тегишли хавф-хатар			•	
	Дизайн			•	
	Яширин нуқсон хавф-хатари			•	
	Ер бўлиш ва кўчириш билан боғлиқ хавф-хатарлар	•			
	Молиявий хавф-хатар			•	
	Қурилиш билан боғлиқ хавф-хатар			•	
	Қурилиш билан боғлиқ хавф-хатар			•	
	Ишга тушириш билан боғлиқ хавф-хатарлар			•	
	Операцион хавф-хатар			•	
	Экологик хавф-хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•	
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хавф-хатар			•	
	Талаб билан боғлиқ хавф-хатар		•		
	Бошқа (агар мавжуд бўлса)				

Амалда қўллаш

13.	Илтимос, хар бир босқич учун тахминий / режалаштирилган санани кўрсатинг/ (Тендер бўлган тақдирда):		
	Тадбирлар	Харакатлар	Муддат
	i) Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш	Лойиҳа концепцияси, бизнес режаси, молиявий модель, ДТИА/ТИА,	1 ой
	ii) Тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тендерни ўтказиш, голибни аниқлаш	1 ва 2 босқичли тендерни ўтказиш, (RFQ, RFP)	3 ой
	ii) ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	Тендер голибни эълон қилиш, битимни имзолаш	2 ой
14.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер майдони керакми? Мавжуд ер майдонларидан фойдаланиш		
15.	Лойиҳани амалга ошириш учун бино ва иншоотлар керакми? Мавжуд бино иншоотларидан фойдаланиш		
16.	i) Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқадими? Аҳоли орасида уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва тўлов интизомини ошириш бўйича профилактик ишларни амалга ошириш йўли орқали келиб чиқши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади (Лойиҳанинг молиявий модели илова қилинади).		

ii) Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келадими? Йўқ

Мавжуд ресурслар

17. **Илтимос, лойиҳани ишлаб чиқиш учун молиявий ресурслар мавжудми (мисол учун, техник-иқтисодий асос):**
Техник-иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд

18. **Илтимос, лойиҳани амалга ошириш учун қандай қилиб, қанча ва қаердан молиявий маблағларни жалб этишни режалаштиргансиз:**
Жами: 9 млрд 430 млн сўм, шундан:

- 1) Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим этиладиган кредит ресурслари ҳисобидан 430 млн сўм;
- 2) Хусусий шерикнинг ўз айланма маблағлари ҳисобидан 9 млрд сўм;

Лойиҳанинг асосий шартлари

19. Ичимлик сув хизматининг кўрсаткичлар сифатини ошириш; ичимлик сувини тўхтовсиз зарарсизлантириш, аҳолини тўлиқ сув ўлчагичлар билан таъминлаш, лойиҳани амалга ошириш ҳудудида авория ҳолатларини бартараф этиш; Лойиҳанинг амалга ошириш жараёни бўйича ўз вақтида Давлат шеригига ҳисобот киритиб бориш; Ичимлик сувининг давлат стандартлари талабларига жавоб беришини таъминлаш (Ўз Дст ИСО 9001:2019)

Ушбу билан шуни маълум қиламанки, мазкур ДХШ лойиҳа концепцияси шаклида келтирилган маълумотлар ва у билан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқий ватўғри, шунингдек (б) лойиҳа давлат шеригининг ваколатли шахси томонидан зарур тарзда маъқулланган.

«CITY BUILDING SALES» МЧЖ раҳбари



С.Ш.Қиличев